

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ УСКУНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ НАТИЖАСИДА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚАЛТИСЛИКЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ «МАХСУС ХИМОЯ» СУҒУРТА МАХСУЛОТИ ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Умумий суғурта тармоғининг 8 ва 13 классларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускунасида фойдаланиш натижасида юз бериши мумкин бўлган қалтисликлардан суғурта қилиш шартларини белгилайди.

Мазкур Қоидаларга асосан, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта мукофоти тўлайди, бунинг эвазига Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчига Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускунасида фойдаланиш натижасида юз бериши мумкин бўлган қалтисликлардан суғурта қилиш Полисини тақдим этади ва унга мувофиқ, суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда Суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлайди.

Ушбу Қоидаларда фойдаланилган атамалар қуйидагича таърифланади:

Суғурталовчи – Устав ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 27.10.2020 йилдаги СФ00002-сонли Лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи «INSON» МЧЖ.

Суғурта қилдирувчи – Суғурта мукофотини тўлаган ва Суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига киришган, муомала лаёқатиغا эга бўлган жисмоний шахс, ёки маҳаллий, ёки ҳорижий юридик шахс.

Учинчи шахс – Суғурта қилдирувчи, автотранспорт воситаси эгаси ва уларнинг вакилларида бошқа шахслар. Учинчи шахслар сифатида жисмоний ва юридик шахс бўлиши мумкин.

Суғурта пули – пул маблағлари миқдори бўлиб, Суғурталовчининг суғурта қопламасини тўлаб бериш мажбурияти ушбу сумма билан чегараланади ва Суғурталовчи суғурта қопламасини суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Қоидаларда белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

Суғурта Полиси – Суғурта қилдирувчига, у суғурта мукофотини тўлаганидан сўнг бериладиган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ, Суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурта ҳодисаси – мазкур Қоидаларда назарда тутилган, ҳужжатлар билан тасдиқланган, суғурта даври ва ҳудудида ҳақиқатдан рўй бериши оқибатида Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ҳодиса.

Ёнғин – ёниш ва ўт чиқиш манбаасидан ташқарига тарқалиш билан кузатиладиган очиқ аланга.

Портлаш – газнинг шиддатли кенгайиши натижасида пайдо бўлган босим кучининг емирувчи таъсири.

Суғурта товони – Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда мазкур Қоидаларга мувофиқ, Суғурта қилдирувчига суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари миқдори.

Суғурта даври – Суғурта полиси амал қилиш вақт даври бўлиб, Суғурталовчининг суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятлари фақат Суғурта полисида кўрсатилган вақт даврида амал қилади.

Суғурта ҳудуди – Суғурта полиси амал қиладиган ҳудуд бўлиб, мазкур Қоидаларга мувофиқ, суғурта ҳудуди Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳисобланади.

2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

Мазкур Қоидалар билан белгиланган муддат, шартлар ва истисноларга мувофиқ, Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ва қуйидаги қалтисликлар билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатларига суғурта ҳимоясини тақдим этади:

2.1. автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг йўл транспорт ҳодисаси (ЙТХ), ёнғин ва портлаши натижасида зарар кўриши ёки nobуд бўлиши;

2.2. автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасида ёнғин чиқиши ёки унинг портлаши оқибатида учинчи шахсларга зарар етказилиши.

3. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

3.1. Мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидаги ҳолатларда юз берган ҳодисалар суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди ва улар бўйича суғурта товони тўланмайди:

а) алкоголь, наркотик моддалар ёки токсик моддалар истеъмоли натижасида маст, ҳамда диққат ва реакция тезлигини пасайтирувчи дори воситаларини истеъмол қилган ҳолда автотранспорт воситасини бошқариш ёки бундай ҳолатда бўлган бошқа шахсга топшириш;

б) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, тегишли ҳуқуққа (йўл варақаси, нотариус томонидан тасдиқланган ва ЙҲХИ да рўйхатдан ўтказилган ишончнома, мазкур тоифали автотранспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқ берадиган ҳайдовчилик гувоҳномаси) эга бўлмаган шахсга автотранспорт воситасини бериш ёки унинг томонидан бошқариш;

в) суғурталанган автотранспорт воситасидан ўқув-машқ, мусобақа ёки синов мақсадларида фойдаланиш;

г) портлашга хавфли, ўз-ўзидан ёнувчи модда ва буюмларни ортиш ва/ёки ташиш қоидаларини бузиш;

д) суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисасини келтиришга қаратилган қасддан ҳаракатлари;

е) автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг алоҳида эҳтиёт қисмларининг доимий таъсир қилувчи эксплуатация омиллари (табiiй эскириш, чириш, сиртининг бузилиши, ёрилиш, занглаш ва ҳ.к.) натижасида зарарланиши, шунингдек об-ҳаво таъсири натижасида ташқи кўринишининг эскириши ва сифатининг бузилиши;

ж) суғурта ҳудудидан ёки суғурта давридан ташқари, ҳамда суғурта Полиси муддатдан илгари тугатилганидан сўнг рўй берган ҳодисалар;

з) газ ускунаси билан жиҳозланган транспорт воситасини, уни бошқариш ҳуқуқини берувчи ва махсус ўқув курсларини ўтганлигини тасдиқловчи Гувоҳномага эга бўлмаган шахс томонидан бошқарилганда;

и) газ ускунаси билан жиҳозланган транспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига кўра ўз вақтида ва белгиланган тартибда кўриқдан ўтказилмаганда ва/ёки газ балони ва ускуналаринининг яроқлилик синовларидан ўтказилмаганда;

3.2. Суғурталовчи мазкур Қоидаларда белгиланмаган ҳар қандай ҳодисаларга нисбатан, ҳамда Суғурта қилдирувчи била туриб, ёлғон маълумотлар берган ҳолларда ҳеч қандай мажбуриятларни зиммасига олмайди.

4. СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Суғурта пулининг миқдори:

Мазкур Қоидаларнинг 2.1. бандида кўрсатилган ҳодиса бўйича бўлим бўйича - автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг қиймати миқдорида белгиланади;

Мазкур Қоидаларнинг 2.2. бандида кўрсатилган ҳодиса бўйича - Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади ва бунда жавобгарлик:

- учинчи шахснинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарар учун суғурта пулининг 65 фоизини ташкил этади;
- мол-мулкка етказилган зарар учун суғурта пулининг 35 фоизини ташкил этади.

4.2. Суғурта мукофоти миқдори мазкур суғурта Қоидалари бўйича Суғурталовчи томонидан ушбу суғурта тури бўйича тасдиқланган амалдаги тарифларга мувофиқ белгиланади.

4.3. Суғурта мукофоти тўланган кун деб:

а) нақд пулда тўланганда, суғурта мукофоти Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига топширилган ёки нақд пул маблағлари Суғурталовчининг ваколатли вакилига топширилган кун ҳисобланади;

б) нақдсиз пул маблағлари ўтказилган тақдирда, пул маблағлари Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига тушган кун ҳисобланади.

5. СУҒУРТА ДАВРИ ВА СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Суғурта даври суғурта Полисида кўрсатиладиган муддат доирасида белгиланади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

6.1.1. суғурта Полиси амал қилиш бутун муддати ичида Суғурталовчидан суғурта масаласи бўйича маслаҳат олиш;

6.1.2. суғурта Полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини олиш;

6.1.3. суғурта Полиси доирасида келишмовчиликлар рўй берганда, ўз ҳисобидан мустақил экспертни ёки мутахассисни жалб қилиш.

6.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

6.2.1. Суғурталовчига рўй берган суғурта ҳодисасини ва унинг сабабларини текширишда ёрдам кўрсатиш, ҳамда мазкур Қоидалар бўйича ўз мажбуриятларининг бузилишига йўл қўймасликка қаратилган барча чораларни кўриши;

6.2.2. суғурта мукофотини мазкур Қоидалар билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаш;

6.2.3. мазкур Қоидаларнинг 7.1 – бандига мувофиқ Суғурталовчини рўй берган ҳодиса тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

6.2.4. суғурталанган мулкдан фойдаланиш, унга хизмат кўрсатиш меъёр ва йўриқномаларига, ҳамда газ балон билан жиҳозланган транспорт воситасидан фойдаланишда қўйиладиган техник регламент талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш;

6.2.5. суғурталанган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг эътиборига мазкур Қоидаларнинг шартларини етказиш. Суғурта қилдирувчи вакиллариининг мазкур Қоидаларнинг шартлари тўғрисида беҳабарлиги Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятларини вужудга келтирмайди;

6.2.6. суғурта ҳодисасининг вужудга келиши эҳтимолини олдини олишга, ҳамда суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда суғурта ҳодисасининг оқибатларини камайтиришга қаратилган барча чораларни кўриш;

6.2.7. шикастланган мулк ва унинг қолдиқларини Суғурталовчига тақдим этиш ва Суғурталовчи билан дастлаб келишмасдан, таъмирлаш-тиклаш ишларини бошламаслик;

6.2.8. суғурта ҳодисаси рўй беришида айбдор шахсга тўланган суғурта товони доирасида талаб қилиш ҳуқуқини Суғурталовчига ўтказиш.

6.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

6.3.1. суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисасини вужудга келтирган ҳолатларни текшириш учун зарур маълумот ва ҳужжатларни талаб этиш;

6.3.2. суғурта қилдирувчи мазкур Қоидалар билан белгиланган мажбуриятларини бажармаса, етарли даражада бажармаса ёки бажаришдан бош тортса, суғурта товонини тўлашни рад этиш;

6.3.3. суғурта қилдирувчи тақдим этган маълумотларни текшириш.

6.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

6.4.1. мазкур Қоидалар билан белгиланган муддатда суғурта Полисини бериш;

6.4.2. барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан ва рўй берган ҳодисани суғурта ҳодисаси сифатида тан олинганидан сўнг, мазкур Қоидаларда белгиланган миқдор ва муддатда суғурта товони тўловини амалга ошириш;

6.4.3. суғурта Полиси амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчига суғурта масалалари бўйича маслаҳат бериш;

6.4.4. суғурта Полиси амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ маълумотни давлат органларига тақдим этиши мажбур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

7. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурта ҳодисаси сифатида тан олинishi мумкин бўлган воқеа содир бўлиб зарар вужудга келган тақдирда, Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни бажариши ва риоя қилиши шарт:

а) зарар етказилганлиги ҳақида маълум бўлиши билан, дарҳол суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини қутқариш ва эҳтимоли зарарларни камайтиришга қаратилган оқилона чораларни кўриш;

б) дарҳол ва кечиктирмасдан бу ҳақида тегишли давлат ваколатли (ёнгин хавфсизлиги, ички ишлар) идораларига хабар бериш;

в) мумкин бўлган ҳар қандай усул (телефон, факс, телеграф ва ҳ.к.) орқали 3 (уч) кундан кечиктирмасдан Суғурталовчига ёки унинг ваколатли вакилига хабар бериш, ва 5 (беш) кундан кечиктирмасдан ҳодиса рўй берган вазиятни батафсил таърифлаб, ёзма ариза тақдим этиш;

г) автотранспорт воситасига ўрнатилган ва шикастланган газ ускунасини Суғурталовчи вакилига кўриқдан ўтказиш учун тақдим этиш, агар Суғурталовчи вакили ўн кунлик муддатда етиб келмаса, унинг барча шикастланган қисмларини, автотранспорт воситасининг давлат рақами, кузов ва двигател рақамларини фотосуратга ёки видеосуратга тушириш ва Суғурталовчи вакилига тақдим этиш;

д) Суғурталовчининг ёзма розилигисиз таъмирлаш-тиклаш ишларини бошламаслик. Суғурта қилдирувчи томонидан ёзма хабарнома берилганидан сўнг 10 (ўн) кун ичида Суғурталовчининг эътирозлари мавжуд бўлмаса, унинг розилиги олинган ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган талабларни Суғурта қилдирувчи томонидан бажармаслик суғурта ҳодисасини Суғурта қилдирувчи томонидан тан олмасликка ва суғурта товонини тўлашга рад жавоби берилишига олиб келади.

7.2. Суғурталовчига суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги талабни тақдим этганда, Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги ариза;
 - суғурта Полисининг нусхаси;
 - шахсни тасдиқловчи гувоҳнома;
- ва қуйидаги вужудга келган ҳодисаларга боғлиқ ҳолда:

а) ИТХ натижасида суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг, унинг қисмларининг шикастланиши ёки нобуд бўлишида:

- ҳодиса вужудга келган вазият ва унинг иштирокчиларини кўрсатган ҳолда, тегишли орган (ДЙҲХХ, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва ИИБ) ваколатли вакили томонидан тузилган баённома (қарор ёки маълумотнома)нинг асл ёки тасдиқланган нусхаси;
- тиббий кўрикдан ўтиш баённомаси ёки алкологоль истёмоли ва маст ҳолатида бўлиши фактини аниқлаш бўйича маълумотноманинг асл ёки тасдиқланган нусхаси;
- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга эксперт ташкилотининг автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасинини тиклаш учун зарур бўлган ишлар, эҳтиёт қисмлари ва материаллар рўйхати келтирилган калькуляциясининг асл ёки тасдиқланган нусхаси;
- бўлган ҳодисага нисбатан иш судда кўрилган тақдирда, суд қарорининг асл ёки тасдиқланган нусхаси;
- ҳодиса вужудга келган вазиятда транспорт воситасини бошқарган шахснинг паспорти нусхаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони нусхалари, газ ускунаси билан жиҳозланган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси нусхаси.

б) суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг ёнғин ёки портлаш натижасида шикастланиши ёки нобуд бўлишида:

- ҳодиса вужудга келган ҳолат ва унинг иштирокчиларини кўрсатган ҳолда, ёнғин хавфсизлиги органининг ваколатли вакили томонидан тузилган баённомаси (қарор ёки маълумотнома)нинг асли ёки тасдиқланган нусхаси;
- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга эксперт ташкилотининг автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасинини тиклаш учун зарур бўлган ишлар, эҳтиёт қисмлари ва материаллар рўйхати келтирилган калькуляциясининг асл ёки тасдиқланган нусхаси;
- бўлган ҳодисага нисбатан иш судда кўрилган тақдирда, суд қарорининг асли ёки тасдиқланган нусхаси.

в) автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасидан ёнғин чиқиши ёки унинг портлаши оқибатида учинчи шахсларга зарар етказилганда, қўшимча тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- учинчи шахснинг Суғурта қилдирувчига тўлов тўғрисидаги даъво талаби;
- Суғурта қилдирувчининг учинчи шахс(лар)га етказган зарар(лар)ни қоплаб бериш мажбурияти юклатилган суд қарорининг асли ёки тасдиқланган нусхаси.

7.3. Суғурталовчи ҳодиса вужудга келган вазиятларни аниқлаш мақсадида ва унга боғлиқ ҳолда, қўшимча маълумот ва ҳужжатлар (суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган шикастланган газ ускунасинининг фотосуратлари, автотранспорт воситасининг техник паспорти нусхаси, ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳайдаш ҳуқуқини берувчи ишончнома, ваколатли органлар маълумотномалари ва ҳоказо)ни талаб этишга ҳақли. Етарлича асос мавжуд бўлганда, Суғурталовчи 7.2-бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этишни талаб этмасдан, қарор қабул қилишга ҳақли.

7.4. Мазкур ҳодисага тегишли барча ҳолат, маълумот ва ҳужжатларни ўрганиб чиққанидан сўнг, Суғурталовчи бўлиб ўтган ҳодисани суғурта ҳодисаси сифатида тан олиш ёки тан олмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Даъвони кўриб чиқиш муддати, Суғурта қилдирувчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат қилгандан кейин (агарда талаб қилинган барча ҳужжатлар тақдим этилган бўлса), ўн беш кунни ташкил этади. Суғурта қилдирувчи томонидан 7.2-бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмаса, Суғурталовчи улар тақдим этилгунга қадар, мурожаатни кўриб чиқишни тўхтатиб туришга ҳақли.

7.5. Юз берган ҳодиса суғурта ҳодисаси деб тан олинмаса, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчини улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай рад этиш сабабларини асослантирилган далил – исботларини ўз ичига олган қарори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

7.6. Суғурта ҳодисаси вужудга келишига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлса ёки суд жараёни бошланган бўлса, Суғурталовчи суғурта ҳодисасини тан олиш масаласини ҳал этишни, тергов ёки судда иш кўриб чиқилиши тугагунга қадар қолдиришга ҳақли.

7.7. Юз берган ҳодиса Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси сифатида тан олинган тақдирда, тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг миқдори аниқланади ва суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатномада кўрсатилади. Мазкур Далолатнома Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва/ёки учинчи шахс томонидан имзоланади.

7.8. Қуйидаги ҳолларда бўлган ҳодисаларни Суғурталовчи суғурта ҳодисаси сифатида тан олмайди ва суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятларни зиммасига олмайди:

- а) агар ҳодиса суғурта Полиси кучга киришидан аввал вужудга келган бўлса;
- б) агар ҳодиса суғурта Полиси амал қилиш муддати тугаганидан сўнг вужудга келган бўлса;
- в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

7.9. Суғурталовчининг суғурта тўловини тўлашни рад қилиши устидан Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, судга шикоят қилиши мумкин.

7.10. Томонларнинг ҳар бири зарар миқдорини аниқлаш бўйича мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Экспертиза уни ўтказишни талаб қилган томон ҳисобидан ўтказилади.

8. СУҒУРТА ТОВОНИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурталовчи томонидан суғурта товони суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида тўланади.

8.2. Суғурта товонининг миқдори қуйидагича аниқланади:

а) суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг, унинг қисмларининг ИТХ, ёнғин ёки портлаш натижасида шикастланиши ёки нобуд бўлишида – суғурта товонининг миқдори аввал тўланган суммаларини айирган ҳолда суғурта пули доирасида тўланади.

б) автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасидан ёнғин чиқиши ёки унинг портлаши оқибатида учинчи шахс(лар)га зарар етказилганда – суғурта товони учинчи шахс(лар)нинг мол-мулкига етказилган зарар учун суғурта Полисида белгиланган суғурта пулининг 35 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун – суғурта Полисида белгиланган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

8.3. Агарда суғурта ҳодисаси оқибатида икки ва ундан ортиқ учинчи шахсларга зарар етказилганда, мазкур Қоидаларнинг 8.1 – банди “б” кичик бандида белгиланган суғурта товони миқдори зарар кўрган учинчи шахслар ўртасида тенг миқдорда бўлинади.

8.4. Суғурта товони Суғурта қилдирувчига, агарда учинчи шахсларга зарар етказилганда – учинчи шахсларга (ёки уларнинг қонуний вакиллари) тўлаб берилади. Суғурта товони нақд пул шаклида берилмайди, суғурта товони маблағлари олувчининг банк ҳисоб рақамига нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

8.5. Суғурталовчи банк ҳисоб рақамидан пул маблағлари ўтказилган кун суғурта товонининг тўлов куни ҳисобланади.

8.6. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаш ва зарарни қоплаш учун амалга оширилган ҳар бир тўлови, тегишли қалтисликлар бўйича суғурта пулини тиклаш учун суғурта мукофоти тўланмаган тақдирда, Суғурталовчининг ҳар бир қалтислик бўйича мажбуриятларини (суғурта пулини) амалга оширилган тўлов суммаларига камайтиради.

9. СУГУРТА ПОЛИСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТЎХТАТИЛИШИ

9.1. Суғурта Полиси мuddатидан аввал томонларнинг ёзма аризасига биноан бекор қилиниши мўлжалланган санадан камида 30 (ўттиз) календар куни олдин хабар бериш шarti билан бекор қилиниши мумкин.

9.2. Суғурталовчи ўз мажбуриятларини бузганлиги муносабати билан Суғурта қилдирувчи Суғурта Полисини мuddатидан олдин бекор қилишни талаб қилса, тўланган суғурта мукофоти тўлиқ қайтарилиши лозим. Акс ҳолда, қолган суғурта даври учун ҳисобланган суғурта мукофоти Суғурталовчининг харажатларини чегириб қолган ҳолда қайтарилади.

9.3. Суғурта қилдирувчи ўз мажбуриятларини бузганлиги сабабли Суғурталовчи суғурта Полисини мuddатидан аввал бекор қилишни талаб қилса, тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди. Акс ҳолда суғурта мукофоти Суғурталовчининг харажатларини чегириб қолган ҳолда, суғурта мuddатининг қолган даврига мутаносиб равишда қайтарилади.

9.4. Суғурта Полиси қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:

а) мuddати тамом бўлганда. Суғурта Полиси мuddати тамом бўлгунга қадар суғурта ҳодисаси бўйича жавобгарлик Суғурталовчи зиммасида бўлади.

б) Суғурталовчининг суғурта Полисида белгиланган мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганда;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Томонлар ушбу қоидаларга мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

10.2. Суғурта товони кечиктириб тўлаганда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчидан ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня талаб қилишга ҳақли.

10.3. Агар томонлар ушбу қоидаларга мувофиқ мажбуриятларини енгиб бўлмас ҳолатлар (форс-мажор) оқибатида бажармасалар, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. Енгиб бўлмас ҳолатлар таъсири остида қолган томон иккинчи томонни айтиб ўтилган ҳолатлар вужудга келганлиги ва уларнинг тахминий давомийлиги тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши, ҳамда бошқа томонга тегишли ҳужжатни тақдим этиши шарт.

11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

11.1. Суғурта Полиси бўйича пайдо бўладиган низолар Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Низоли масалалар бўйича келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда суд идораларида кўриб чиқилади.

11.2. Суд қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилинган (протест қилинган) тақдирда Суғурталовчи суғурта товонини (суғурта пули) тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишни, агар дастлабки қарор бўйича ижобий ёки салбий хулоса чиқариш мумкин бўлмаса, суднинг узил – кесил қарори қабул қилингунга қадар кечиктириши мумкин.

12. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

12.2. Томонларнинг ушбу Қоидаларда баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

		«ГАЗ БАЛЛОН» МАХСУС ҲИМОЯ СУҒУРТА ПОЛИСИ (VIP)		
		Суғурта қилдирувчи _____		
Газ ускунаси ўрнатилган автотранспорт воситаси ҳақида маълумот				
Давлат рақами	Маркаси ва модели	Двигатель рақами	Кузов (шасси) рақами	Ишлаб чиқарилган йили
_____	_____	_____	_____	_____
Суғурта ҳодисаси			Суғурта пули	Суғурта мукофоти
Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг йўл транспорт ҳодисаси (ЙТХ), ёнғин ва портлаш натижасида зарар кўриши ёки нобуд бўлиши.			5 000 000,00 (Беш миллион) сўм 00 тийин	20 000,00 (Йигирма минг) сўм 00 тийин
Суғурта даври: 20__ йил «__» _____дан 20__ йил «__» _____ гача			Суғурта полисини олдим, унинг шартларига розиман ва мажбуриятларни тўла қабул қиламан	
Суғурталовчи _____ _____ (Ф.И.Ш. муҳр, имзо)			Суғурта қилдирувчи: _____ _____ (имзо)	
СУҒУРТА ҲОДИСАСИ ЮЗ БЕРГАНДА КУЙИДАГИ МАНЗИЛ ВА ТЕЛЕФОНЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН: Тошкент шаҳри, 100011, Шайхонтоҳур тумани, Навои кўчаси, 31 уй. Тел.: +998-78-113-00-07 email: info@insuranceon.uz				GBV _____

